

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Фарғона шаҳри

2023 йил 4 октябрь

4-1501-2304/6793-сонли иш

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Жамолиддинов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Эралиеванинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакили Д.Махпиралиева (ишончномага асосан) иштирокида, жавобгар вакили иштирок этмаган ҳолда, даъвогар Фарғона вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг, жавобгар «Саховатли Шокиржон боғи» фермер хўжалигидан 9 836 284 сўм ажратма ва суд харажатлари ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатилган иқтисодий ишни, суд биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Фарғона вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (бундан буён матнда - даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Саховатли Шокиржон боғи» фермер хўжалиги (бундан буён матнда - жавобгар деб юритилади)дан 9 836 284 сўм ажратма ва суд харажатлари ундиришни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида даъво аризаси бўйича маълумотнома тақдим қилиб, суд кунига қадар жавобгар томонидан тўловлар амалга оширилмаганлигини маълум қилиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгардан вакил иштирок этмади, бироқ, суд мажлиси куни, вақти тайинланганлиги ҳақидаги ажрим жавобгарнинг манзилига юборилганлиги ва қабул қилинганлиги бўйича маълумот иш ҳужжатларида мавжудлигидан келиб чиқиб, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 170-моддаси учинчи қисмига асосан низони жавобгар иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд даъвогар вакилининг тушунтиришини тинглаб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвони қаноатлантиришни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар 2021 йил 15 октябрь кунги 38090420-сонли оммавий офертага асосан Қувасой шаҳар, Намуна МФЙ ҳудудидаги иссиқхона биноларини қурилишида қурилиш ишларини бажаришнинг сифати ва тўлиқлиги устидан назорат функцияларини текширувини амалга ошириш учун инспекциядан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 февралдаги “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4586-сонли Қарори 8-бандида 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий



инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда (қўшимча қиймат солиғисиз) белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 370-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисидаги хабарнома юбориш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” (бундан буён матнда – Регламент деб юритилади) 7-бандига кўра, хабарнома юборувчилар уни юбориш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (бундан буён матнда - ЯИДХП деб юритилади) давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда – Фуқаролик кодекси деб юритилади) 369-моддасининг иккинчи бандига кўра, шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф оферта (оммавий оферта) ҳисобланади.

Регламентнинг 8-бандига, хабарнома юборувчилар ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими уларни инспекция томонидан назорат функцияларини амалга ошириш учун оммавий оферта билан таништиради. Хабарнома юборувчилар офертани қабул қилганидан сўнг давлат хизматлари маркази ходими хабарнома юборувчи номидан ушбу Регламентнинг хабарномани электрон шаклда тўлдиради. Хабарнома юборувчилар ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, мустақил равишда оферта билан танишадилар ва уни қабул қиладилар ҳамда ушбу Регламентга мувофиқ шакл бўйича хабарномани электрон шаклда тўлдиради.

Мазкур қонун талабларига кўра, хабарнома юборилган, қурилиш-монтаж ишлари устидан амалга ошириладиган назорат учун даъвогарга тўланадиган ажратма суммаси 9 836 284 сўм эканлиги белгиланган.

Регламентнинг 15-бандига кўра, хабарнома юборувчи инвойсда кўрсатилган суммани инвойс келиб тушган кундан бошлаб ўн кунгача бўлган муддатда тўлаши шарт.

Бироқ, жавобгар инвойсда кўрсатилган суммани (ажратмани) белгиланган муддатда тўламаган.

Шу сабабли жавобгарнинг даъвогар олдида 9 836 284 сўм қарздорлиги вужудга келган.

Даъвогар томонидан вужудга келган қарздорликни тўлаш учун жавобгарга 2022 йил 16 ноябрь куни 01-19/2331-сонли талабнома юборилган, ammo талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ушбу ҳолатлар ишдаги мавжуд хабарнома, талабнома ва бошқа ишга алоқадор дилллар билан ўз тасдиғини топади.

Фуқаролик кодексининг 8, 234-моддаларига кўра, мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳаказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса –



қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик кодексининг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Фуқаролик кодексининг 237-моддасида, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Юқорида қайд этилганларга кўра, даъвогарнинг жавобгар ҳисобидан 9 836 284 сўм ажратмани ундириш тўғрисидаги даъво талаби асосли ҳисобланади.

Шу сабабли суд, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 9 836 284 сўм ажратма қарздорлигини ундиришни лозим топади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бу ҳолатда суд, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, даъвогар фойдасига жавобгар ҳисобидан 9 836 284 сўм ажратма ва 33 000 сўм почта харажати ундиришни, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган 330 000 сўм давлат божини жавобгардан ундиришни лозим топиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 186-188-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Даъвогар Фарғона вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси фойдасига жавобгар «Саховатли Шокиржон боғи» фермер хўжалиги ҳисобидан 9 836 284 сўм ажратма, 330 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Х.Жамолиддинов

